O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 128 (9.166) * 1998 йил 30 октябрь, жума * Сотувда эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЯГА ТАШРИФИ

**АНҚАРА, 28 октябрь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).** Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Миллий байрами — Республика эълон қилинганининг 75 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун Анқарага келди. Эсенбўға аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Туркия Президентининг қароргоҳида икки мамлакат давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлди. Ислом Каримов туркиялик ҳамкасбини қутлуғ байрам билан самимий муборакбод этиб, Туркия раҳбариятига миллий истиқлолни янада мустаҳкамлаш, мамлакатни ҳар томонлама обод этишда янги муваффақиятлар, турк халқига эса фаровонлик ва бахт-саодат тилади. Сулаймон Демирэл байрам тантаналарига келгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Бу Ўзбекистон ва Туркия ҳамда икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона, самимий муносабатларни яна бир карра тасдиқлашини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Туркия муносабатларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидлаш керакки, Туркия Республикасининг миллий байрами кенг миқёсда нишонланмоқда. Анқарага йигирмага яқин мамлакатнинг давлат раҳбарлари, ҳаммаси бўлиб қарийб 70 мамлакат делегацияси ташриф буюрган.

* * *

**АНҚАРА, 29 октябрь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).** Бугун эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия пойтахтида турк халқининг йўлбошчиси Мустафо Камол Отатурк хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди. Бу ерда Отатурк қабрига гул қўйиш маросими бўлди.

Ислом Каримов ва Туркия Миллий байрами тантаналарининг бошқа иштирокчилари мамлакат парламентига ташриф буюрдилар. Бу ерда Каспий денгизи ва Марказий Осиё нефть ва газини жаҳон бозорига етказиб бериш тўғрисидаги Анқара декларацияси имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркия Бош вазири Месут Йилмаз, Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ва кузатувчи сифатида АҚШ ёқилғи ва энергетика вазири Билл Ричардсон имзо чекдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг меҳмонлар Президент С. Демирэлни байрам билан қутладилар. Шу ернинг ўзида Туркия Буюк Миллат Мажлиси раиси Ҳикмат Четин номидан тантана иштирокчилари шарафига қабул маросими уюштирилди.

Куннинг иккинчи ярмида давлатимиз раҳбари шаҳар отчопарига келди. Байрам тантаналарида қатнашиш учун ташриф буюрган барча меҳмонлар шу ерда тўпланди. Туркия Республика деб эълон қилинганининг 75 йиллигига бағишлаб тантанали ҳарбий парад бўлиб ўтди.

Бугун Президент Ислом Каримовнинг Туркияга сафари ниҳоясига етади.

*(ЎзА).*

* * *

Кеча Туркия заминидаги тантаналарда қатнашган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Тошкент аэропортида Президентимизни Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Туркия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Умур Апайдин ҳам бор эди.



*«Шарқ гули» акционерлик жамиятида жуда кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган аёллар талайгина. Ана шулардан бири Мовлуда Исоқова. У бу ерда меҳнат қилаётганига чорак асрдан ошди. Ўтган давр мобайнида у бир қанча шогирдлар тайёрлади.*

*СУРАТДА: Мовлуда Исоқова.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда.

Бундай хунук одатларга берилган давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлмоқда, оддий одамларнинг нафсониятларига тегмоқда, уларнинг адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқда.

Ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам ўтакетган дабдабали равишда ўтказишлар ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиш, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келмоқда.

Мазкур интилишларнинг носоғлом мусобақага айланиб кетиш ҳоллари дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга туширмоқда.

Энг ачинарли томони шуки, бундай сохта хўжакўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Улар бу каби номақбул анъаналар ва одатларга айланиб бораётган ҳолатларга чек қўйиш ҳақидаги талабларини билдирмоқдалар. Ўзларининг эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, турар жойларини обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, ишлаб чиқаришга сарф қилиш — шундай олижаноб саъй-ҳаракатлар орқали эл-юрт олдида ўзларига ҳақиқий обрў орттириш юзасидан таклифлар ва маслаҳатлар бермоқдалар.

Юқоридагиларни назарда тутиб:

1. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига:

а) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда халқимиз табиатига ёт бундай хунук ҳолатларга зарба бериш, олдини олиш, чек қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилсин;

б) муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оммасига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин;

в) жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни ташкил қилиш ва жорий этиш топширилсин.

2. Оммавий ахборот воситалари мазкур Фармонда кўтарилган масалаларнинг асл моҳиятини, намунавий анъаналарни кенг тарғиб қилсин, миллий қадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси давлат ташкилотлари, маъмурий-ҳуқуқий идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, мансабдор шахслар томонидан юқорида кўрсатилган номаъқулчиликларга йўл қўйилган ҳолатларни амалдаги қонунчилик асосида чуқур ўрганиб, тегишли хулосалар чиқарсин ва зарур чоралар кўрсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*И. КАРИМОВ*

*Тошкент шаҳри,*
*1998 йил 28 октябрь.*

Муносабат

## КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марҳумлар хотирасига бағишланган маърака-маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони халқимиз дилидаги айни муддао бўлди. «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририятига ҳамшаҳарларимиздан дил сўзлари изҳор этилган мактублар келмоқда. Шулардан дастлабкиларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.***

**• Абдулла ОРТИҚБОЕВ, Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур маҳалласининг оқсоқоли, истеъфодаги генерал:**

— Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг радио ва телевидениеда эълон қилинган, матбуот саҳифаларида ёритилган Фармони халқимиз дилидаги айни гаплар бўлди. Дарҳақиқат Фармонда таъкидлаб ўтилганидек, кейинги пайтларда шуҳратпарастлик ва дабдабабозлик ҳавосига учган, давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорлар тўй-ҳашамларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозликка, ўзини кўз-кўз қилиш касалига мубтало бўлди. Бу нарса маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлиб, оддий одамларнинг нафсониятларига тегаётган эди. Бинобарин Президентимизнинг ушбу Фармонлари ўз вақтида чиқарилган ҳужжат бўлиб у маҳаллаларда, аҳоли ўртасида соғлом муҳитнинг қарор топишига йўл очади. У ҳаммамизни ҳушёрликка ундайди.

**• Фахриддин НУРИДДИНОВ, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, пенсионер:**

— Йўлбошчимизнинг ушбу Фармонлари мустақиллик туфайли тикланаётган қадриятларимиз, миллий меросимизнинг, истиқлол ислоҳотларининг узвий бир бўлаги давомидир. Дарҳақиқат, кейинги пайтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар ва бошқа маросимлар шуҳратпарастлик, манманлик маросимларига айланиб бораётган эди. Давлат хизматидаги ўзини йўқотган, оёғи ердан узилган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари оддий одамларнинг ғашини келтираётган, уларни жуда ҳам ранжитаётган эди. Тўй ва маросимлардаги бундай иллатдан фориғ бўлишимизда Президентимизнинг ушбу Фармони муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими жойларда унга амал қилмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Тўйларимиз, маросимларимизни янги, урф-одатларимизга мос намунавий анъаналарини ишлаб чиқиб жорий этайлик, азизлар.

Спорт

## ХОТИРА ТУРНИРИ

БУГУН

***МҲСК спорт мажмуасида генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишланган юнон-рум кураши бўйича XXIV халқаро очиқ турнир баҳслари бошланди.***

Республика ва шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг спорт қўмитаси, Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур мусобақаларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари, Марказий Осиёнинг барча республикалари, юртимизнинг ҳамма вилоятларидан келган энг кучли полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.

Шуни айтиш керакки, республикамиз курашчилари ушбу мусобақаларга катта тайёргарлик кўришди. Унда юртимиз шарафини хизмат кўрсатган спорт устаси, жаҳон кубоги соҳиби Григорий Пуляев, жаҳон кубоги соҳиби, халқаро тоифадаги спорт устаси Исматулла Жабборов, халқаро тоифадаги спорт устаси, 1998 йилги Осиё чемпиони Дилшод Орипов, Осиё чемпионати ва қатор халқаро мусобақалар совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси, энг оғир вазнли полвон Шермуҳаммад Қўзиев, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Юрий Витт, Марказий Осиё ўйинларининг ғолиби, спорт устаси Исомжон Кенжаев ва бошқалар ҳимоя қилишмоқда. Иштирокчилар учун барча зарур шарт-шароитлар, хусусан қизиқарли маданий дастур тайёрланди.

Халқаро очиқ мусобақалар биринчи ноябрь куни ниҳоясига етиб, ғолиблар аниқланади.

*Дилшод ИСМОИЛОВ.*

Обуна — 99

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» — ЯҚИН ҲАМРОҲИНГИЗ

Келгуси йил учун вақтли нашрларга обуна давом этмоқда. «Тошкент оқшоми» газетасининг муштарийлари ўзлари севган газетага шаҳримизнинг исталган алоқа бўлимига кириб, обуна бўлишлари мумкин. Бинобарин, у ҳар галгидек энг яқин ҳамроҳ, энг яқин суҳбатдош бўлиб қолади.

Таҳририят ижодий жамоасининг келгуси йил режалари катта. Газета саҳифаларида турли ёшдаги ва турли касбдаги мухлисларга манзур бўладиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар ёритилади. Шаҳримизда, мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг сўнгги янгиликлар ҳам аввало «Оқшом» саҳифаларида ёритилади. Бундан ташқари ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлардан ҳам ўз вақтида хабардор бўласиз.

Таҳририятга келган мактубларда муштарийларимиз ҳафтанинг жума куни чиқадиган «Дам олиш оқшомида» қўш саҳифаси материалларини мириқиб ўқишларини ёзишган. Келгуси йилда ҳам жума кунлари чиқадиган ана шу дам олиш саҳифаларида ранг-баранг мақолалар — севимли ёзувчию санъаткор билан диллашувлар, ҳуқуқий мавзудаги суҳбатлар, маданият янгиликлари, спорт оламида бўлаётган янгиликлар, уй бекаларига маслаҳатлар, хуллас турли касбдаги ва қизиқишдаги муштарийларга аталган теша тегмаган гапларимиз бўлади.

«Оқшом» газетаси чакана савдога чегараланган миқдорда чиқарилади. Келгуси йил учун газетага обуна тартиби ҳам бирмунча ўзгарди.Энди якка тарздаги обуначилар ва идоралар учун обуна алоҳида ҳолда расмийлаштирилади.

«Тошкент оқшоми» газетасига республикамизнинг турли шаҳарлари ва қўрғонларида истиқомат қилаётганлар ҳам обуна бўлишлари мумкин.

Шундай қилиб, азиз дўстлар, ўзингиз севган ва қадрлаган «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўлишга шошилинг!

**Нашр индекслари:**

**Якка обуначилар учун — 209.**

**Идоравий обуначилар учун — 563.**

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан бугун Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бошланди.

• Вазирлар Маҳкамасида шу йилнинг 5-8 ноябрида Ўзбекистонда ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессияси кўчма йиғилишини ўтказишга тайёргарликнинг боришига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Уни Бош вазир Ўткир Султонов бошқарди.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида жорий йилнинг тўққиз ойлик иш фаолияти натижаларига ва Вазирлар Маҳкамаси мажлисида банк тизими олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилишга бағишланган банк бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

• Фан ва техника давлат қўмитасида «2000 йилги муаммолар ечими» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

• «Андижон дурдонаси» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси ўз маҳсулотларини Москвада бўлиб ўтган «Гурман — 98» кўргазмасида намойиш этди. Корхонанинг ўрик, шафтоли ва олхўри шарбатлари олтин медаль билан тақдирланди.

• Тошкентдаги тажриба заводида Жанубий кореялик бизнесменлар билан биргаликда ДЭУ автомобиллари учун кўзгулар ишлаб чиқарадиган янги корхона бунёд этилди.

• Республика «Оила» илмий-амалий марказида «Оила, жамият ва тараққиёт» мавзуида илмий-методик семинар бўлиб ўтди.

• Тошкентдаги «Суфр» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни сотишни йўлга қўйди.

• Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли академик Восит Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий марказида «Воҳидов ўқишлари» илмий анжумани иш бошлади.

• Самарқандда озиқ-овқат молларининг савдо кўргазмаси ўтказилди.

• Бухорода Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ҳамкорлигида табиий моддалар кимёсига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 17 мамлакатидан йирик кимёгар олимлар қатнашди.

• Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Осиё кубок эгалари кубоги учун баҳснинг 1/8 финалида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» футболчилари билан келаси йилнинг 5 февраль куни сафарда учрашадиган бўлди. Жавоб учрашувини ўтказиш 19 февралга мўлжалланган.

### ЖАҲОНДА

• Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абдулаҳат Жалилов Анқарада Туркия Президенти Сулаймон Демирэлга ишонч ёрлиқларини топширди.

• Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида икки давлат элчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Ливан Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди.

• Бугун Харьков шаҳрида Украина ва Россия ҳукуматлари вакилларининг икки мамлакат амалий иш доиралари иштирокидаги учрашуви бўлади.

• Кеча Владикавказда Россия Бош вазири Евгений Примаковнинг Чеченистон Президенти Аслан Масхадов билан ёпиқ эшиклар ортидаги учрашуви бўлди. Унда Шимолий Кавказдаги вазият ва республикада жиноятчиликка қарши кураш масалалари муҳокама қилинди.

• Қоҳирада полиомиелит хасталигига барҳам беришга бағишланган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ва Ўрта ер денгизи бўлимларининг бирлашган мажлиси бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 40 дан зиёд мамлакатидан, шу жумладан Ўзбекистондан вакиллар иштирок этишди.

• Лиссабонда Хитой — Португалия ишчи гуруҳи тузилганлиги ҳақида хабар тарқатилди. Бу гуруҳ олдига Макаони Хитой юрисдикциясига ўтказишга ҳозирлик кўриш вазифаси юклатилган. Макао Хитойга келгуси йилнинг 20 декабрида топширилади.

• Тбилисида Европа Иттифоқи идорасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

• Чеченистон муфтиси А. Қодиров ҳаётига уюштирилган суиқасд жойида яна битта портловчи қурилма топилди.

• Куба раҳбари Фидель Кастро истеъфога чиқмаслигини ёки ўзи эгаллаб турган мансабни бошқа бирон кишига бўшатиб бермаслигини маълум қилди.

• Тожик мухолифати ҳукумат тузилмаларида ишлаш учун ўз вакилларининг рўйхатини тайёрламоқда.

• Лондоннинг Олий суди Лондонда Чилининг собиқ диктатори А. Пиночетнинг ҳибсга олиниши ноқонуний, деб қарор қилди. Бинобарин, у ҳозирги пайтда собиқ давлат бошлиғи бўлсада, ўзи бошқарган йилларда қилган хатти-ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

• АҚШ мудофаа вазири Уилям Коэн 4 — 6 ноябрь кунлари Японияга ташриф билан боради. Вазир шунингдек, шу кунлари Хитойнинг Сянган вилояти ва Жанубий Кореяда ҳам бўлади.

• Халқаро валюта фондининг экспертлар делегацияси Бухарестга келди. Делегация Руминияга кредитлар беришни яна бошлаш хусусида музокаралар олиб боради.

• Хитойнинг «Эйр Чайна» авиакомпанияси учувчиси хотинини ўзи билан олиб шанба куни пассажир самолётини Тайванга қараб олиб қочди. «Боинг-737» самолёти бортида 95 йўловчи, шу жумладан 20 нафар хорижлик йўловчи бор эди. Хитой маъмурлари Тайбэйга самолётни ва уни олиб қочган учувчини қайтаришни талаб этиб мурожаат қилди. Кеча йўловчилари билан олиб қочилган Хитой самолёти Хитойга қайтиб келди. Хитой самолётни олиб қочган учувчини қайтариб беришларини талаб қилмоқда.

• Норвегиянинг «Теленур» телекоммуникация давлат концерни Россия билан ҳамкорликни кенгайтириш режасида. Концерн ҳозирнинг ўзидаёқ Россияга 150 миллион крон (қарийб 20 миллион доллар) инвестиция берди.

• Марказий Америка мамлакатларида рўй берган навбатдаги кучли тўфон оқибатида 11 киши ҳалок бўлди, минглаб кишилар бошпанасиз қолишди.

• Ҳиндистонда «Бордолей» кубоги учун ўтказилган халқаро мусобақада Ўзбекистоннинг «Навбаҳор» футбол командаси муваффақиятли қатнашди ва кубок соҳиби бўлди.

